## ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «ТАРОЗИ»

Очиқ айтиш керакки, ҳозирги ёшларимизда жисмоний меҳнатга ва, айниқса, дала меҳнатига лаёқат борган сари сусаймоқда. Енгил-елпи пул топиш, оғир меҳнатдан қочиш, қинғир йўллар билан даромад қилиш кучайяпти. Ҳатто қишлоқларда ҳам дала меҳнатидан қочиш кузатилади.
Пахта мавсумининг маълум маънода аҳамияти бор. Қолаверса, фақат бизнинг мамлакатда талаба ёшлар қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинаётгани йўқ. Бошқа давлатларда ҳам ишчи кучига эҳтиёж сезилса, талабалар жалб қилинади. Мисол учун Россияда картошка ковлашга, Молдовада узум теришга талабалар олинади. Қўшни республикаларда ҳам талабалар пахтага чиқишади.

2 -бет

## КАРЛ ПОППЕР ГЕГЕЛГА ҚАРШИ

«Гегель миллатчиликнинг нафақат тарихий ва тоталитар назариясини яратади, шу билан бирга у миллатчиликнинг руҳий-таъсирий имкониятларини ҳам аниқ билган... У миллатчилик бир эҳтиёжга, яъни кишиларнинг бир жамоага бирлашиб, дунёда ўз ўрнини аниқлаш истагини қондиришга хизмат қилишини сезган».

3 -бет




Бутун вужудимни аччиқ алам қамраб олди. Кўз ёшларим томоғимга тиқилиб қолгандай эди. Мен на гапира олардим, на йиғлай олардим. Судьялар ҳайъати, уларнинг ортидан мен ҳам маҳкама вакилининг ҳамроҳлигида суд залини тарк этдик. Кўчага чиқишим биланоқ биз шунақа қумбўронга рўпара келдикки, бир пасда бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Шамол ҳуштак чалиб увилларди, кўз очиб, теварак-атрофга қарашнинг имкони йўқ эди. Мен овозим борича: "Жаноб губернатор! Муҳтарам судьялар! Агар шуки бўрон бўлмаса, бўроннинг ўзи қанақа бўлади?!"— деб ҳайқирардим.

4 -бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@uzpak.uz № 4 (362) 2004-yil 28-yanvar



«HURRIYAT» сизники,
Сиз HURRIYATники бўлинг!
Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 233


Маънавият

## САХИЙ ВА АХИЙ

Тилимизда мурувват сўзи жуда фаол. Халқимиз уни фарзандига исм ҳам қилиб қўяди. Бу сўз маъносини ёки унга яқин маънони англатадиган калима ва ифодалар шунчалар кўпки, уларни шунчаки санашнинг ўзи ҳам бир неча сатрни эгаллайди: мурувват, саховат, хайр, хайрия, инъом, садақа, худойи, ҳиммат, футувват, карам, эҳсон, туҳфа, совға, ҳадя, қўли очиқлик, бағри кенглик, мардлик, жўмардлик (жавонмардлик), нисор айламоқ, беминнат хизмат...

Шунча сўз бор эканми, демак, халқимиз тийнатида мурувватнинг шунча тури ҳам мавжуд-да. Ҳатто, меҳр, раҳм, шафқат каби сўзлар ҳам бир жиҳатдан шу маъноларга боғланиб кетади.

Буларнинг бари йиғилиб, яхшилик ёки эзгулик деб аталмиш яхлит маънавий тушунчага бирикади.

Мурувват сўзи адабий тилдаги маъносидан ташқари, айрим шеваларимизда ҳам фаол ишлатилади. Масалан, Бухорода меҳмонни дастурхонга, ундаги ноз-неъматдан тамадди қилишга даъватни ҳам мурувват қилмоқ ибораси билан ифодалаш кучли. Фақат талаффузда бу тезлашиб, мурат қилди (ёки мурат қилмади) тарзида айтилади.

Мурувватнинг энг яқини – саховат. Саховатли киши сахий дейилади. Сахибой деган ўзбек исми ҳам аслан шу сўздан олинган. Сахийнинг ёнида эски тилимизда ахий деган тушунча ҳам бор эди, Ахийнинг ўзаги – арабча ах. У биродар, оғайни, ака-ука деган маънони беради. Чунки ахийнинг моҳияти шу маънога жуда яқин келади.

Ахий – сахийнинг ҳам сахийи. Буни ҳазрат Алишер Навоий асарларидаги талқинлардан келиб чиқиб айтяпмиз. Масалан, мамлакатининг ярмини бировга берган подшоҳ – сахий. Бироқ қўлидаги (аслида, бировдан тилаб олган) бир бурда нонини очга берган гадой – ахий. Чунки у ўзида борини (юз фоиз!) муҳтожга нисор айлади-да.

Ўтмишда ахийликни, яъни бандаларга олий даражадаги мурувват кўрсатишни ўзининг турмуш тарзи, умрининг мазмуни деб билган, шу мақсади йўлида ҳеч нарсасини, борингки, ширин жонини ҳам аямасликка даъват этгувчи таълимот, бу таълимотга оғишмай амал қилгувчи бир тоифа бўлган.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг тадқиқотларида таҳлил этилишича, тарихимизда бошқаларга яхшилик қилишни умрининг шиорига айлантирган кишилар бирикиб, бир жамоага айланган. Бундай уюшмаларга бирикканларни жавонмардлар, ахийлар, фатийлар деб аташган. Уларнинг маслаги – таълимоти жавонмардлик ёки футувват деб юритилган (Қаранг: К о м и л о в Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т., 1996, 113-бет). "Уларни Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағриб (Андалусия)да сукра ("сукра" – маст демак) дейдилар. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди" (Ўша асар, 114-бет).

XIII асрларга келиб жавонмардлик билан тасаввуф таълимоти ўзаро қўшилиб кетди. "Футувватчилар, тасаввуф ахлоқини қабул қилган ҳолда, амалиётдан воз кечмадилар, халқ орасида юриб, хайру савоб ишларни бажаришда фаоллик кўрсатардилар" (Ўша асар, 120-бет). Жавонмардликнинг энг юксак намунасини кўрсатганлар "айёрлар" (аёл бўлса, "айёралар") дейилган. Чунки бундай кишилар адолат ўрнатиш, бошқаларга яхшилик қилиш йўлида донолик, айёрлик, ҳатто, найранг ишлатишни ҳам лозим кўраверган. Шу тариқа улар "худпарастлик" ("худбинлик")дан "Худопарастлик"ка ўтишнинг олий намунасини намойиш этган.

XV асрда замонасининг фузалоси, энг машҳур сўз устаси – Ҳусайн Воиз Кошифий "Футувватномайи султоний" деган махсус асар битиб, жавонмардларнинг ҳаёт йўли ва ақидаларини шарҳлаб берди.

Навоий мурувватпешаликнинг бу тарихини пухта билар эди. Шунинг учун асарларида сахийни ҳам, ахийни ҳам ҳар турли тимсолларда кўрсатган. "Ҳайрат ул-аброр"да Ўтинчи чол сахийликда донғи чиққан Ҳотам Тойидан ҳам сахийроқ қилиб тасвирланган. Чунки у ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан ўз кунини ўзи кўради. Ҳеч кимнинг мурувватига муҳтож бўлмасликнинг ўзи ҳам – энг олий сахийлик. "Сабъайи сайёр"да эса Ахий тимсолини топамиз.

Аввал шуни айтиш керакки, Навоийнинг баъзи бор-йўғи иккигина мисрадан иборат алоҳида асарлари – фардлари маъно-мазмуни талқинларини, ҳатто, ўша қофиясию радифи билан бошқа асарларида ҳам учратамиз. Масалан, мақоламиз бошидан таҳлил қилиб келаётганимиз мурувват ва футувват нималигини шоир мана бу фардида очиқ қилиб айтиб қўйган:

**Мурувват – борча бермакдур, емак йўқ,**
**Футувват – борча қилмакдур, демак йўқ.**

Демак, ўзида борини бировга улашиб, ўзи ейишни ўйламаган одам мурувватли ҳисобланса, футувватли киши яхшиликни қилиб, ҳеч қачон уни айтмас, ҳатто, бу ҳақда ўйламас ҳам экан. Бу ерда ажиб бир сўз назокату фасоҳати мавжуд. Яъни, бу бор-йўғи икки сатрдан иборат асар замирида бировга яхшилик кўрсатиб, кетидан миннат қилиб юриш асло ярамайди, деган доно ўгит ётибди.

Худди шу фард моҳиятига яқин талқинлар "Ҳайрат ул-аброр" достонининг саховат таҳлилига бағишланган бобида махсус кўриб ўтилади.

"Сабъайи сайёр"да Баҳром биринчи қасрда биринчи кечада биринчи иқлимдан келган саёҳатчидан эшитган ҳикоятнинг мавзуи айнан ахийликка бағишланган.

... Ҳинд мамлакати (пойтахти Сарандиб шаҳри эди) тахти эгаси Жасратхоннинг илму одобдаю чиройда тенги йўқ Фаррух (маъноси – нур юзли) деган якаю ягона ўғли бор эди. Саксонга кириб қолган кекса подшоҳ тожни ўғлига топширмоқчи бўлар, ҳар гал фарзанд бундан бош тортар эди.

Бир кеча Фаррух тушида ўзини бир чўлу биёбонда кўрди. Атроф тўла одам эмиш. Туя устидаги бир кажавада кимдир кетаётган эмиш. Шамол унинг юзидаги ҳарир пардани кўтарганда кўрсаки, паридек, йўқ-йўқ, худди Шарқ Қуёшидек юзидан нур ёғилиб турган бир қиз эмиш. Уйғониб кетиб билсаки, туш кўрибди. Фақат ўша оломоннинг: "Бу ер — Қуддус деган жой бўлади", — деганини эслаб қолди, холос.

Шу лаҳзадан Фаррухнинг ҳаловати буткул йўқолди, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ёду фикри – сафарга отланиб, ўша қизни топиш. Охири, отасидан ижозат сўради: "Рози бўлмасангиз, ноилож, бошим оққан томонга кетаман".

Хон, ноилож, лашкарининг ярмини ўғлига бериб, унинг сафарига оқ йўл тилади.

У пайтларда одамлар Макка ўрнига Қуддусни тавоф қилишга борар эди. Фаррух ҳам лашкари билан Қуддусни тавоф айлади, ёрига еткаришини илтижолар қилиб тилади. Ўша ерда туш кўрса, унга биров: "Эрталаб туриб, Ҳалаб сари йўлга туш", – деб айтди. У асакрларидан юз-икки юзини олиб қолиб, бошқаларига юртга қайтишларига ижозат берди. Шу оз қавми билан Ҳалаб сари йўл олди.

(Давоми 1-бетда)

Ахборот

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ЎЗ ХУЛОСАСИНИ АЙТДИ

Куни кеча матбуотда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ўз қарорини эълон қилди.

Ҳукумат комиссиясининг билдиришича, 2004 йил 13 январь куни рўй берган авиаҳалокат сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилган. Текшириш хулосасига кўра, самолётнинг ўзиёзар ускунасидаги ("қора қути") ёзувлар таҳлиллари парвоз жараёни ва қўниш вақтида двигателлар ҳамда ҳаво кемасининг бошқа тизимларида носозлик бўлмаганлигини, бортда ёнғин, бирон-бир шикастловчи воситаларнинг таъсири ёки террорчилик ҳаракати аломатлари қайд этилмаганини кўрсатган. Қўнишни таъминловчи радиотехник воситалар барқарор ишлаб турган ва соз ҳолатида бўлган. Лекин ҳаво кемаси парвози, унинг қўниши мураккаб метеорологик шароитларда кечган. Ўша пайтда Тошкент аэропорти ҳудудида кўриш имкониятида қуюқ туман пайтида йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида бўлган. Авиаҳалокат экипажнинг қўниш чоғидаги нотўғри ҳаракатлари туфайли содир бўлганлиги аниқланган. Ва бу воқеа қуйидагича рўй берган: экипаж томонидан қўнишга тайёрлаш қоидаларига хилоф равишда чекланган кўриш шароитида бошқариш ва ҳаво кемасини қўндириш учун мўлжалланган тизимнинг зарур иш тартиби қўлланилмаган. Бу ҳол борт ускуналарида самолётнинг белгиланган пасайиш траекториясига нисбатан ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғри акс этишига, ҳаво кемасининг рухсат этилган кўрсаткичдан юқори баландликда қўниш йўлагига яқинлашиши ва қўниш чоғида ушбу траекториядан чиқиб кетишига олиб келган.

Борт ускуналарининг ностандарт тартибда ишлаётганидан дарак берувчи аломатлар борлигига қарамасдан, экипаж бу ҳақда диспетчерга хабар қилмаган, самолётнинг қўниш тизимидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ хатоларни ўз вақтида аниқлай олмаган ва қўнишга қайтадан уриниш учун иккинчи марта айланиш бўйича чоралар кўрмаган.

Экипаж рухсат этилган энг қуйи баландликда қўниш йўлагининг ердаги белгиларини аниқламасдан ва ўзининг касб маҳоратига ортиқча баҳо бериб, пасайишни давом эттирган. Натижада, бундай вазиятда баландликка кўтарилиб, заҳира аэродромга кетишни талаб этувчи қоидаларни бузган.

Йўл қўйилган хатолар сабабли самолёт қўниш йўлагига белгиланган нормалардан ташқарида тегиб ўтган. Экипаж заҳира аэродромга кетиш учун баландликка кўтарилиш борасида кечикиб кўрган чораларга қарамай, самолёт аэропорт тўсиғига урилган ва бу ҳаво кемасининг ҳалокатга учраши ва ёнғин чиқишига олиб келган.

Авиаҳалокат туфайли ҳалок бўлганларнинг жасадлари яқинларига етказилган ва дафн этиш ташкил қилинган. Марҳумларнинг яқинлари ва қариндошларига моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилган. Авиаҳалокат бўйича тергов ишлари давом этмоқда.

Хат

## ЗОРА ИШИМИЗ ЮРИШСА...

*ёки кредит қандай олинади?*

*Оилада етти нафар кишимиз. Турмуш ўртоғим К. Миллажонов узоқ йиллар Тошлоқ АТПсида ҳайдовчи бўлиб ишлар эдилар. Юрак хуружи хасталиги туфайли ишга ярамай қолдилар. Айни пайтда 23000 (йигирма уч минг) сўм миқдорида касаллик нафақасини оладилар. Бу нафақа дори-дармон ва касалхона учун сарфланади. Икки ўғлим бор, улар ҳам ишлашмайди. Ишлай деса, иш йўқ. Оиламиздаги бундай ҳол мени ташвишга қўйган. Савдо билан шуғуллаай десам, сармоя йўқ.*

*Марғилон шаҳрининг чеккасида бозор бор. Мана, 8 ойдирки, шу бозорда ишлаб, кунига 800-1000 сўмга яқин пул топаман. Бундан ташқари, уйимизда тегирмон ўрнатганмиз. Ўғлим 4 йилдирки маҳалла ва қўшни маҳаллалардан келган буғдойларни ун қилиб ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарилган буғдой ҳақига пул ёки ун оламиз. Унни маҳаллага сотамиз. Агар жисмоний меҳнатга лаёқатсиз бўлганимизда нима қилган бўлардик?*

*Тегирмонни мунтазам ишлатиш учун бозордан ёки фермерлардан буғдой олиб, тегирмонда ишлаб чиқарадиган бўлсак, рақобат бўлиши мумкин эди. Ҳозирги кунда рақобат — давр талаби бўладиган бўлса, бунинг учун сармоя керак бўлади. Сармоя қилиш учун банкдан кредит олиш, кредит олиш учун гаровга қўйишга мол-мулкинг бўлиши керак. Биз эса мол-мулкка эга эмасмиз. Шунинг учун агар мен банкдан 1 000 000 сўм кредит олсам, шунча пулга 10 тонна буғдой беради. 10 тонна буғдойдан 8 тонна тоза, рақобатга келиша оладиган оппоқ ун чиқади.*

*Бозорда ун 160-170 сўм. Биз унни 140 сўмдан сотсак, 1120000 сўм бўлади, 2 тонна кепак қолади. Бозорда кепак 70 сўм, биз 60 сўмдан сотсак, 120000 сўм. Жами 240000 сўм — 100 минг сўм оила эҳтиёжига кетса, 40000 сўм электр энергияси ва бошқа харажатларга кетади, 60000 сўм ойига банкка берилса, 40000 сўм оила бюджетига тушади.*

*Менинг тахминларим мана шундай. Сизларнинг ҳам маслаҳатларингизни билмоқчиман. Тадбиркорлик йўл-йўриқларини менга ўргатсаларинг, зора ишимиз юришармиди. Баъзилар 1 ойга етар-етмас кредит олишади. Биз эса қанча уринмайлик, бефойда бўляпти ёки йўлини билмаяпмизми?.. Газета ва телевидение орқали кредит олишнинг осон йўлларини ўргатишади-ю, негадир бизнинг Марғилонда бу масалада анчагина қийинчиликлар бор. Сизлардан илтимос, кредит қандай олинади?*

*Маслаҳат ва кўрсатмаларингиз билан кредит олиб қолсак, бизнинг ҳам ишимиз юришиб кетар, иншооллоҳ!*

**Одина ҒОЗИЕВА,**
**Фарғона вилояти**

Муносабат

## ТАФОВУТ

*Ҳарбийлар милициядан қандай фарқ қилади?*

"Hurriyat" газетаси кўп йиллардан бери турли сабаблар туфайли хизматдан бўшатилган милиция ходимлари ҳақида яхши-яхши мақолалар бериб келади. Сайдаҳмад Раупов, наманганлик Ҳусниддин Мамажоновлар ҳақидаги мақолаларни ўқиган одам улар тақдирига бефарқ қарай олмайди.

Милиция идораларидаги (мен атайлаб "Ички ишлар идоралари" деган сўзни ишлатмадим, сабаби бу идоранинг айрим ходимлари, масалан, қоровул қўшинлари "милиция ходими" категориясига эмас, "ҳарбий хизматчи" категориясига киради) хизматнинг алоҳида хусусияти шундаки, ходим ҳуқуқбузар билан ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган томон манфаатлари кесишадиган нуқтада ҳокимият вакили сифатида иш олиб боради. Табиийки, ҳар икки томонни бирдек қониқтирадиган қарорларга келиш ҳамиша ҳам мумкин бўлавермайди. Натижада ўзини "атайлаб хафа қилинган" деб ҳисоблаб, ходим устидан мағзава ағдаришга, турли "ёз-ёз", "миш-миш"лар уюштиришга, каттароқ лавозимдаги уруғ-аймоқларини ишга солиб, ўша ходимга ёки унинг яқинларига турли тазйиқлар ўтказишга киришади. Бундай ҳолларда текширувчи ходим холис бўлса хўп яхши, аммо у сал бўлса-да нохолисликка йўл қўйса, қонунбузарга, айрим ҳолларда эса ғирт жиноятчига чиқариб қўйилишини ҳеч ким инкор эта олмайди, деб ўйлайман.

Милиция ходимининг аҳволи мана шу нуқтаи назардан қаралса, давлат хизматининг бошқа турлари — чегарани қўриқлаш, фавқулодда вазиятлар, қуролли кучлар ва бошқа хизматлардан кўп жиҳатдан фарқ қилишини тушуниш қийин эмас. Айтайлик, армияда взвод командири бўлган катта лейтенант бир-бирига тан жароҳати етказиб, муштлашган икки кишининг ишини текширмайди, бундай ҳолатлар бўйича бирорта қарор чиқармайди, бирорта одам бедарак йўқолса, уни қидиртирмайди, бирорта одам тергов ёки суддан қочадиган бўлса, уни ушлаб келиш унинг вазифасига кирмайди ва ҳоказо.

Газетанинг 2003 йил 5 ноябрь сонида босилган "Менинг ишим... "заказ"миди?" мақоласини ўқиб, қонунларимиз нима учун милиция ходимларини погон тақиб юрадиган бошқа хизматдаги биродарлари билан бирдек ҳимоя қилмайди, дея ўйлаб қолдим.

Бу собиқ ходимнинг устидан "Ҳокимият ҳаракатсизлиги" деб номланадиган ЖКнинг 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган экан...

ЖКнинг 208-моддаси билан ҳар қандай мансабдор шахс айбдор деб топилгудек бўлса, суд унга 3 (уч) йилгача озодликдан маҳрум қилишдан кўра оғирроқ жазо бера олмайди. ЖКнинг 15-моддаси 2-қисмига кўра, бу турдаги жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Энди эътиборингизни ЖКнинг 47-моддасига қаратаман. Бу модда **"Хизмат бўйича чеклаш"** деб аталади ва унда мана шу жазо чораси нима эканлиги, қайси ҳолларда, кимларга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Унда англашилича, **хизмат бўйича чеклаш** жазосини олган **офицер таркибига кирувчи ҳарбийлар, прапорщик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар** суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида **муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилинади, пул таъминотининг 10 фоизидан 30 фоизгача бўлган миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади.**



**Хизмат бўйича чеклаш** жазо чораси Жиноят Кодекси махсус қисмида назарда тутилган ҳолларда 2 ойдан 3 йилгача муддатда қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки оғир оқибатлар келтириб чиқармаган, эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноят учун суд иш ҳолати ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга **хизмат бўйича чеклаш** жазосини қўллаши мумкин.

**Хизмат бўйича чеклаш** тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида жазоланган маҳкумнинг мансаби, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди. Шу ўринда мазкур норма ЖКга 1995 йил 1 апрелдан қўшилганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Демак, юқорида мисол қилиб олинган ҳарбийдаги взвод командири, айтайлик, ўзга шахсга ўртача ёки оғир тан жароҳатлари етказилган ҳолда автоавария (ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми) ёки ашаддий безорилик ҳаракатлари (ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми) содир этиб судланган тақдирда ҳам у ҳарбий хизматда қолаверади. Унга ўқотар қурол ва бошқа ҳарбий анжомлар ишониб топширилаверади. У нафақат пистолет, автомат билан муомала қилади, балки танк, БТР ёки БМПларни ҳам бошқариб юриши мумкин...

Ўша ҳарбий жиноят содир этиб, судланган бўлишига қарамай, вақти соати етиб, полковник унвони олиши, ҳурмат билан нафақага ҳам кузатиб қўйилиши мумкин экан.

Хўш, милиция ходимлари-чи? Мен 2003 йилда ЎзР Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 133-моддасида кўрсатилган маъмурий қилмишни (жиноий эмас!) содир этган бир туман ИИБ тергов бўлими терговчисининг терговчиликдан профилактика нозири вазифасига туширилганини биламан. Ахир, бошқа шахсга бор-йўғи енгил тан жароҳати ва 900 минг сўм атрофида моддий зарар етказилиши билан боғлиқ автоавария содир этиш маъмурий тартибда, худди автобусда чиптасиз юрганлар маъмурий тартибда жазоланганликлари каби жазоланадиган қилмиш-ку! Шу ходим мабодо ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганида эди, албатта, ички ишлар идораларидан бўшатиб юборилган бўларди. Милиция офицерларининг ҳам айбли ҳолатда автоавария қилмасликларига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку?

Милиция ходими билан чегара ёки ички қўшинлар хизматчисининг Жиноят Кодекси олдидаги фарқ ёки тафовут нимадан иборат эканлигини газетхонлар энди тушуниб етган бўлсалар керак, деб умид қиламан.

Кимдир менга эътироз билдириб, "Милиция ходимлари жиноят содир этганлар билан иш олиб боради, шунинг учун улар орасида жиноят деб баҳоланадиган ҳуқуқбузарликка йўл қўйиб, суд ҳукми билан жазо олганлар бўлиши мумкинмас", дейиши мумкин. Унда ички қўшинлардаги маҳбусларни қўриқлаш билан машғул ҳарбий хизматчилар кимлар? Улар жиноятчилар билан ишламай, кимлар билан ишлайди? Ёки чегарадагилар, МХХдагилар жиноятчилар билан ишлашмайдими? Албатта, бу идораларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу даражада жиноятчи унсурлар билан иш олиб боради. Аммо уларга нисбатан муносабат ёки ишонч бошқачалигини кўриб турибсиз. "Нега?" деган ҳақли савол туғилади. Ўйлашимча, бу ҳол "Ҳарбий хизматчи" категориясига кирувчиларга бунчалик шароит яратиб берилганлиги уларнинг профессионал ҳарбийлар эканлиги, бутун умрларини шу ишга бағишлаганликлари, бошқа ҳунарлари йўқлиги, ҳарбий хизматдан бўшаб қолсалар, "гражданка"да ҳаётда қийналиб қолишлари мумкинлиги билан ҳам изоҳланади. Бироқ милиция ходимлари орасида ҳам кўп йиллик хизматлари давомида асосий ихтисосларини йўқотишга улгурган кўплаб педагог, муҳандис, иқтисодчи ёки бошқа касб эгалари ҳам борлигини унутмаслик керак. Улар ҳам хизматдан кетгач, ҳеч кимга керак бўлмайдиган мутахассис бўлиб қолаверадилар. **Милицияга нисбатан анча масъулиятлироқ вазифаларни бажарадиган ҳарбий хизматчилар айрим турдаги жиноятларни содир этиб, судланганларидан сўнг ҳам лавозим ёки хизматда қолдирилар эканлар, милиция ходимларига ҳам шундай муносабатда бўлишни қонунлаштириш вақти етмадимикан?** Ахир, милицияда "Илгари судланганлар ишламасин" деган талаб пайдо бўлган йилларда милиция ҳам, чегарачилар ҳам, ички қўшинлар ҳам, КГБ ҳам НКВД деган битта идорада жамланган эди-ку. Ҳозирга келиб эса чегарада хизмат қилган ёки маҳбусларни қўриқлайдиган одам судланса ҳам хизматни давом эттиради, милиция ходими эса жиноят хизматдан буткул кетади. Қонун чиқарувчилар бу ишга қайси тамойиллар асосида ёндашганликлари кўпчилик учун унча тушунарли эмас, назаримда. Шунинг учун мен юқоридаги ҳолатларни қайсидир маънода милиция ходимлари учун адолатсиз деб ҳисоблаб, мутасадди ва мутахассислардан шу масалада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деб умид қиламан.

**Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**истеъфодаги милиция майори**

Анжуман

## НАФИС МАЖЛИС

Яқинда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида миллатимизнинг буюк фарзанди, мутафаккир шоир Алишер Навоийга бағишланган тадбир, яъни шоир таваллудининг 563 йиллиги муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий ижодиётини ўрганиш ва халққа тарғиб этиш, ёш авлод дунёқарашини шаклланишида Навоий меросининг алоҳида ўрни бўлиши кераклиги ҳақида маърузалар қилинди. Хусусан, филология фанлари доктори, профессор С. Ҳусанов "Истиқлол ва навоийшуносликнинг уфқлари" маърузасида ўзбек навоийшунослигининг кечаси ва бугуни ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга, бу соҳада қилинажак илмий тадқиқотлар ҳақида ҳам фикр юритилди. Академик А. Қаюмовнинг "Навоий шеъриятида арабизмлар" маърузасида эса навоийшунослик соҳасидаги ўрганилиши зарур бўлиб турган илмий муаммо кўтарилди. Яна шоир ва таржимон Ойдин Нажафнинг "Алишер Навоийнинг "Назм-ул жавоҳир" асарининг рус тилига таржимаси" юзасидан қилган маърузаси ҳам катта қизиқиш уйғотдики, узоқ йиллардан бери Навоий ва, умуман, шарқ мумтоз шоирларининг асарлари таржимасини Москва таржимонлар мактаби амалга оширар эди. О. Нажафнинг эътирофига кўра, энди Ўзбекистонда ҳам ўша мактабга рақобат қила оладиган таржимонлар етишиб чиқа бошладилар. Улуғ шоир шеърларининг таржимасидаги бадиият билан бирга мамлакатимиздаги етакчи навоийшунослар кўмагида ғоявий жиҳатларнинг ҳам тўласинча русийзабон ўқувчиларга етказиб берилаётганлиги қувонарли ҳолдир.



Анжуманда филология фанлари номзоди М. Рашидованинг "Наводир ун-ниҳоя" девонининг матний хусусиятлари", Ж. Жўраевнинг "Навоийнинг муаммо жанридаги халафи", О. Жўрабоевнинг "Алишер Навоий ижодиётининг намойишгоҳи ва музей залларини янгилаш режалари", илмий ходима Ф. Икромованинг "Замонавий шоирларнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари" мавзуидаги чиқишлари ҳам эшитувчиларда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, М. Рашидова шоир девонининг матни масалаларига синчковлик билан мурожаат қилиб, тадқиқотчилар назаридан четда қолаётган янгиликлар ҳақида тўхталди. Ж. Жўраев Навоийнинг адабиётшуносликдаги анъаналарини XX асрда давом эттириб келган шоир Гулшаний хусусида тўхталган бўлса, О. Жўрабоевнинг маъруза ниҳоясидаги Навоийнинг янги аниқланаётган ғазалларининг манба ва матнлари ҳақидаги илмий ахбороти ҳам устоз навоийшунос олимларнинг эътирофига сазовор бўлди.

**Отабек РУСТАМБЕК ўғли**

Тарози

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «ТАРОЗИ»

Шундай латифа бор.

Афандидан сўрашибди:

— Тақсир, одамлар нега турли томонга юради? Ҳамма бир тарафга қараб юрса бўлмайдими?

Афанди жаноблари бошларини қашлаб, шундай жавоб берибдилар:

— Қизиқмисиз, ҳамма бир томонга қараб юрса, ер қийшайиб кетади-ку!

Бу бир самимий кулги, бироқ ҳар бир ҳазилда жиндай ҳақиқат бор деганларидек, халқ донишмандининг жавобида теран мантиқ бор. Ҳамма бир томонга қараб юрмаганидек, ҳамма бир хил фикрламайди ҳам. Қолаверса, ҳеч эътироз қолдирмайдиган, мутлақ ҳақиқатларни сўзлаш шарафи фақат Яратганнинг ўзигагина хосдир, чунки олам асрорини, эртага нима бўлишини Оллоҳгина аниқ билади. Бу ҳақда муқаддас китобларда етарлича далолат бор. Демак, инсон зоти баён этган ҳар қандай фикрда мунозарали ўрин бўлади ва шунинг учун у билан баҳслашмоқ мумкин. Шундай экан, ҳаммани ягона бир фикрга бўйсунишга мажбурлаш ҳам ножоиз.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам "Ҳақиқат баҳсларда туғилади", деган эски ҳикмат тез-тез тилга олиниб туради. Ҳатто тафаккур тадрижи тарихи баъзан маълум масалада озчиликнинг позицияси охир-оқибатда тўғри бўлиб чиққанини ҳам тасдиқлайди. Баъзан 99 кишига зид фикр айтган бир киши ҳақ бўлган. Бундай ҳолга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

"Hurriyat" газетасида янги рукн ташкил этишдан мақсад ҳам бир масалада турли нуқтаи назарларни жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишдир. Қарама-қарши фикрлар жўн бўлиши мумкин ёки улар бирданига мухлисларга етиб бормас, бироқ бир масалада турли қарашларнинг шаклланиши ўз моҳияти билан ижобий ҳодисадир. Албатта, баён қилинган нуқтаи назарлар нечоғли ҳаётийлигини ва, демак, қайси қараш тўғри эканлигини аниқлашда Сиз азиз муштарийларнинг иштирокингизга таянамиз. Мақсад беҳуда тортишув, баҳс-мунозарага зўр бериш эмас, балки жамият ижтимоий тафаккурига заррача бўлса ҳам таъсир ўтказиш — хизмат қилишдир. Бу борада Сиз биз билан бирга бўласиз, деб умид қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ

# «БОЛАЛИГИМ ПАХТАЗОРДА ҚОЛИБ КЕТДИ...»

"Пахта — миллий бойлигимиз". Бу гапни ҳар куни газеталардан ўқиймиз, радиода эшитамиз, телевизорни-ку қўяверинг. Пахта ҳақиқатан ҳам миллий бойлигимиз. Бунинг билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бугунги кунда мамлакатимиз экспортининг каттагина қисми "оқ олтин" ҳисобига тўғри келади. Лекин бир дона чигит ерга тушиб лўппи пахта бўлгунга қадар деҳқон қанча тер тўкиши фақат унинг ўзигагина маълум. Эрта баҳорда телевизорда андижонлик пахтакорларнинг ҳар бир туп ниҳол тагига ош қошиқда ўғит солаётганини кўрсатишганди... Ҳеч бир ўсимлик ғўзачалик кўп меҳнат талаб қилмайди. Ҳақиқатан пахтакорларимиз ҳар бир ниҳолни фарзандидай авайлайди.

Пахтакор билан гаплашсанг, пахта оқ, аммо меҳнати қора дейишади. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда яшайди. Демак, 70 фоиз аҳолининг тақдири ана шу пахта билан боғлиқ. Даромад ҳам, буромад ҳам.

Фарғона вилоятида ижодий сафарда бўлганимизда қайси ўқув юртига бормайлик, талабалар: "Пахта теримига студентларни жалб қилиш мажбурийми?" деган саволлар билан мурожаат қилишди. Ҳатто бу мавзу матбуотда ёзилмагани ҳақида эътироз билдиришди. Бу саволни Андижон Иқтисодиёт ва муҳандислик институтига борганимизда ҳам беришган эди. Декабрь ойида ҳам пахта теримида бўлишган. Улар ўша даврда кунига ўртача 12 килограммдан пахта терган. Маблағ талабанинг овқат пулига ҳам етмаган (улар 98 кун қўшни туманларда ҳашарда бўлишган). 98 кун мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртлари, коллежлар талабалари дарс ўтмаган. Эътиборингизга яна бир далилни келтирамиз. Теримга жалб қилинган талабаларнинг салкам 15 фоизи турли касалликларга чалиниб, шифохоналарга ётқизилган.

Касаллик орттирган талаба ва ўқувчиларнинг соғлиғини тиклаш учун давлатнинг қанча маблағи кетган? Уларнинг ўзининг-чи?! Яна бир муаммо ҳақида гапирмасак бўлмас. Ҳар йили 98 кун дарсга бормаган толиб илмдан қандай етук мутахассис чиқади? Олий ўқув юртларида бакалаврлик учун 4 йил ўқишади. Пахта теримига жалб қилинган вилоятдаги талаба нари борса 3 йил аудиторияда дарс олади. Хулосани ўзингиз чиқаринг.

Яна бир муаммо шуки, пойтахтлик абитуриент билан вилоятдан келган абитуриентга олий ўқув юртига кириш учун бир хил талаб қўйилади. Илгари вилоятлик абитуриентларга бироз имконият берилган. Уларнинг қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилингани инобатга олинган. Республика тест маркази деган нуфузли идора вилоятлик абитуриент 98 кун қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинганлигини инобатга олмайди. Бу муаммолар ҳақида гапириб, далада пахтамиз қолиб кетсин, деган фикрдан йироқмиз.

... Собиқ Иттифоқ даврида пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртлари Жиззах ва Сирдарё вилояти хўжаликларига ёппасига пахта теримига жалб қилинарди. Буни ўша даврда талаба бўлганлар яхши билишади.

Эрта тонгда кўрпа-тўшакни елкалаб автобусларда далага жўнардик. Энг қизиғи, ўша ерлик аҳоли ўз ташвиши билан банд. Бири уйини таъмирлаган, яна бирови деҳқончилигини йиғиштирган. Гўё уларга пахта териминиng умуман алоқаси йўқдай. Шаҳарликлар эса уйидан узоқда ҳашарда "жавлон" урардик. Энг ачинарлиси, кўпгина вилоятларимизда ана шу "касаллик" ҳозир ҳам давом этмоқда. Балогардон эса талаба билан ўқувчи. Бундан беш-олти йил олдин йиғим-теримга ҳатто аскарлар ҳам жалб қилинди. Яхшиямки, бу ишларга чек қўйилди. Қишлоқдагилар билан гаплашсангиз ҳасратидан тутун чиқади.

— Бугунги кунда ҳечам ҳашарчиларга ҳожат йўқ, — дейди Арнасой туманидан Раҳима Турсунова. — Ҳаммага пул керак. Ҳар бир фермер ўз пахтасини ўзи териб олади. Агар туман раҳбарлари, банк ходимлари, кассирлар, фермерлар халқни алдамаса, ҳамма оиласи билан кўчиб чиқади. Кўпгина раҳбарлар алдайди. Уланинг гапига энди ҳеч ким ишонмайди.

Бу бор гап. Кўпгина хўжаликларда ҳамон эскича иш услуби давом этаяпти. Мавсум бошида хўжалик раҳбарлари маблағни иқтисод қилмоқчи бўлади. Ёмғирли кунлар бошланиши билан терим нархи ошаверади. Совуқ далага яна ўқувчи-ю талаба "ҳайдалади", яна "приписка" давом этаверади. "Приписка" кетаяптими, ўқувчи ва талаба далада бўлиши керак. Бундай зўрма-зўракиликнинг кимга кераги бор?

Илгари баъзи раҳбарлар Москвага ҳисобот учун дея ўзларини юпатган. Энди-чи?

Терим пайтида жон куйдириб ишлаётган одамни учратмайсиз. Катта далада 4-5 кило пахта териб, унинг устига ўтириб олиб гурунг қилаётган тўп-тўп одамларга кўз тушади. 5-10 кг. терса теради, бўлмаса, дамини олиб кетишади. Иш жойидан ойлигини олишади. Мажбурлаб олиб чиқишган.

Қаранг транспортларнинг ҳар бири учун қанча ёқилғи кетади? Қанча одамлар ўз жойини ташлаб далага чиқаяпти? Ана шу маблағлар тўғри йўналтирилса, бунча одамнинг кимга кераги бор? Терган пахтасига қараб пулини берса, теримчилар жонини бериб ишлайди.

Ўқувчи мактабда, талаба аудиторияда дарсини ўқиса, вақти келиб билимни синайдиган даврда нўноқлик қилса, "Бизнинг ёшлигимиз далада ўтган" дея ўзини оқламайди, "Болалигим пахтазорда қолиб кетган" дея нолимайди.

Хуллас, ўқувчи ва талабаларни пахта йиғим-теримига жалб этиш маънавий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

**Аҳлиддин АҲМАДАЛИЕВ**

# ПАХТА ТЕРИШНИНГ ҲАМ ГАШТИ БОР

*Ҳар йили пахта терими мавсуми яқинлаша бошлаганида талабаларнинг, ўқувчи ёшларнинг теримда қатнашиш-қатнашмаслик масаласи муҳокама қилинади. Биз ўқиган пайтда ҳам шундай эди. Аксарият ҳолларда бу масалага танқидий муносабатда бўлинади.*

*Талабаларни пахта теришга жалб қилиш фожеа ҳам, жиноят ҳам эмас. Назаримда, у моддий эҳтиёж билан бирга маънавий эҳтиёжни ҳам тақозо этадиган жараён. Айнан миллат ифтихори, бойлиги бўлган маҳсулотни йиғиб олишга бўлган муносабат фақат салбий бўлиши мумкин эмас, назаримизда.*

*... Биз ҳам талаба бўлганмиз, биз ҳам пахта терганмиз. У талабалик ҳақидаги хотираларда энг ширин из қолдирган давр ҳисобланади...*

*Улкан орзулар билан талабаликка қабул қилинганлар бироз ўтгач, бу давр ҳам шунгача бўлган ҳаётдан кўп ҳам фарқ қилмаслигини англаб, мўъжиза юз бермаслигидан ҳафсаласи пир бўлиб, тушкун кайфиятда олийгоҳга қатнайди. Бунинг устига курсдошлар билан тил топишиши қийин. "Талабалик шу экан-да, бунча зерикарли бўлмаса", деб турганингизда юқори курсда ўқийдиганларнинг: "Пахтага бориб келинглар, фикрингиз ўзгаради", деган далдалари юракда умид уйғотганди.*

*Ўша пайтда ҳам талабаларнинг пахтага чиқиш-чиқмаслиги муҳокама бўларди. Аммо сентябрь ойининг охирларида ҳали пахтага сафарбарлик эълон қилинмасдан олдин талабаларнинг ўзлари унга тайёргарлик кўра бошлардилар. Ниҳоят, турли олий ўқув юртларининг талабаларини ортмоқлаган 150 дан зиёд автобуслар колоннаси Сирдарё ва Жиззах чўлларига қараб йўл оларди.*

*Бутун терим мавсуми тизими талабаларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқиларди. Юқори курсдан ҳаммага сўзи ўтадиган йигит жамоа сардори этиб тайинланарди. Ошпаз, чойхоначи, хўжалик ишларига масъул киши, ҳисобчи ҳам талабалардан танланарди. Пахтанинг килосига аввал 3-4 тийиндан тўланган бўлса, кейинроқ 20 тийиндан бўлди. Кунига 100-120 килодан терадиганлар бемалол икки-уч ойлик стипендиясининг пулини ишлаб олиши мумкин эди. Бунинг устига ректор мукофоти жорий қилинган эди. Унга кўра, беш кун фақат юз килодан ортиқ пахта терган талабага 20 сўм (бир ойлик стипендия миқдорида) берилар эди.*

*Талабалар пахтазордан ҳориб-чарчаб чиқмасдилар. Кечқурун бўладиган тадбирларга ҳамма тайёргарлик кўрар эди. Бир кун курслар ўртасида турли мавзуларда беллашув ўтказилса, бир кун шаҳардан келган ёзувчи ёки шоирлар билан учрашув бўларди. Баъзан гулхан атрофидаги суҳбатлар, мушоиралар ярим кечагача давом этарди. Кейинги куни тадбир эса қўшни барақдаги бошқа факультетлар билан биргаликда бўларди. Ҳар ким ўзининг руҳияти, феъл-атворига мос ҳақиқий ўртоқни, дўстни ҳам пахта даврида топарди. Яна бу даврда баъзи йигит-қизлар ўртасида муҳаббат туғиларди...*

*Пахтадан кетиб қоладиганлар деярли бўлмасди. Пахтазорга умрида кирмаган шаҳарлик қизлар бошида қўллари ғўза чаноқларидан юлинганида ўтириб йиғлардилар. Лекин кетиб қолишни ўйламасдилар, чунки бутун жараённинг ўзи қизиқарли, шукуҳли эди-да.*

*Пахта мавсумининг кўпчилик ваҳима қиладиган зарарли томонлари йўқ, агар иш тўғри ташкил қилинса, албатта. Шу маънода талабалар уч ойлаб, токи далада ҳеч нарса қолмагунча юрмасдан, бир ойлик оммавий сафарбарлик уюштирилса кифоя. Шунда мавсум кўп ҳам уларнинг ўқишларига, билимларига таъсир кўрсатмайди. Қолаверса, пахта мавсумининг маънавий томонлари ҳам кўп. Талаба жамоа билан ишлашни, кўпчилик ўртасида шахсий жонбозлик кўрсатишни ўрганади. Ўзининг ҳар хил имкониятларини тор доирада синаб кўриши мумкин. Айниқса, деҳқоннинг машаққатли меҳнатини тушуна боради. Жисмоний меҳнатда тобланади. Агар пахта бўлмаса, шаҳарликлар пахта етиштирадиган давлатда яшаб туриб, унинг қандай эканлигини билмаслиги ҳам тўғри эмас.*

*Очиқ айтиш керакки, ҳозирги ёшларимизда жисмоний меҳнатга ва, айниқса, дала меҳнатига лаёқат борган сари сусаймоқда. Енгил-елпи пул топиш, оғир меҳнатдан қочиш, қинғир йўллар билан даромад қилиш кучайяпти. Ҳатто қишлоқларда ҳам дала меҳнатидан қочиш кузатилади.*

*Пахта мавсумининг маълум маънода аҳамияти бор. Қолаверса, фақат бизнинг мамлакатда талаба ёшлар қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинаётгани йўқ. Бошқа давлатларда ҳам ишчи кучига эҳтиёж сезилса, талабалар жалб қилинади. Мисол учун Россияда картошка ковлашга, Молдовада узум теришга талабалар олинади. Қўшни республикаларда ҳам талабалар пахтага чиқишади.*

*Тўғри, талабаларнинг уч ой давомида пахта даласида бўлишидан на уларнинг ўзлари ва на уларнинг ёрдамига муҳтож хўжаликлар манфаатдор бўлади. Ёки бир вилоятда талабалар йиғим-теримга жалб қилиниб, иккинчи вилоятда олинмаса ҳам ҳар хил номутаносибликни келтириб чиқаради. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан қорли далада талабалар 3-5 кг пахта учун изғиб юрсалар-у, деҳқонлар ўз ҳосилларини, томорқасини йиғиштириш билан банд бўлиши ҳам адолатдан эмас.*

*Шунинг учун агар хўжаликлар ҳақиқатдан ҳам қўшимча ишчи кучига эҳтиёж сезсалар, олий ўқув юртлари билан шартнома тузишлари керак. Кўпинча хўжаликлар пахтадан моддий манфаатдор бўлганликлари учун даладаги ҳосилни ўзлари териб олмоқчи бўладилар. Айниқса, фермер хўжаликларида бу ҳол кўп учрайди. Аммо ўзимиз терамиз, деб кўп жойларда пахта қолиб кетади, ёғин-сочинли кунлар бошланади. Яна бир томони шуки, пахта теришдан талабалар ҳам моддий манфаатдор бўлишлари керак.*

*Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,* ***агар лозим бўлса, талабаларни бир ой муддатга пахта теримига оммавий сафарбар қилиш лозим, ундан ортиғи ортиқча.*** *Пахта теримининг ҳам ўзгача гашти бор. Қолаверса, биз шу тупроқ фарзандимиз. Шу юрт деҳқони боқади бизни. Лозим бўлганда уларга ёрдам қўлини чўзиш, миллий бойликни нес-нобуд қилмасдан териб олишга кўмаклашиш ҳам савоб ишдир...*

**Назира ҚУРБОН қизи**

Эътироф

**Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаган ёшлар ишлари бўйича махсус комиссия тузилгани, унинг аҳамияти ва моҳиятини ҳамма ҳам бирдек англолмаса керак. Уни болалигидан қайси йўлга бошласангиз, умрининг охиригача ана шу йўлдан кетиши шубҳасиз. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда бунда мактабларнинг ўрни беқиёс. Мухбиримиз Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани халқ таълими бўлими мудири Юсуфхон МУҲАММАДИЕВДАН бу борада туманда олиб борилаётган ишлар хусусида сўради**

# ЎҚУВЧИЛАР НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

*Ютуқлар кўп, муаммолар ҳам йўқ эмас*

— Иштихонлик мактаб ўқувчилари бугунги кунда 17 та замонавий, 74 та мослаштирилган биноларда таълим олишаяпти. Ширинтой болакайлар тарбия олаётган масканларнинг 20 таси замона-



вий бинолардан иборат. Биз, айниқса, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Чунки сир эмас, айрим китобларнинг баҳоси 400 сўмдан 2000 сўмгача боради. Оддий дафтар эса 75 сўм ва ҳоказо. Ҳамма жойда кам таъминланган оилалар мавжуд. Уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун 2002-2003 ўқув йилида 9-синфлар учун 12950250 сўмлик дарсликлар ижарага берилди. Ўқитувчилар учун эса 157 комплект дарсликлар бепул тарқатилди. Бундан ташқари, 13288 дона ўқув қўлланмалари, 849 дона бадиий китоблар, 43209 дона дарсликлар ва 3232 дона турли хилдаги плакатлар олиб келинган. Тизимда маркетинг хизмати ташкил этилганлиги боис ўтган йили жами 8962826 сўмлик даромад олинди. Халқ таълимини қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳар бир мактаб учун маъмурият талабидан келиб чиқиб ер ажратган. Ана шу ерлардан бир эмас, икки марта ҳосил олинаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, 2003-2004 ўқув йилида биргина СамДУни битирган 57 нафар ёш мутахассис ишга жойлаштирилди. Айни пайтда мактабни тугатган 157 нафар ўқувчилар Республиканинг турли педагогик йўналишларида таҳсил олишаяпти. Туман халқ таълими бўлимида ташкилий ишлар ҳам йўлга қўйилган. Маънавий-маданий тадбирлар, турли хил мушоира, фан олимпиадалари тез-тез ўтказиб турилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, тумандаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Жаҳонгир Баҳриддинов география фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида 100 имкониятдан 99 балл тўплаб, 1-ўринни эгаллади. У айни пайтда пойтахтда таҳсил олаяпти. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида ҳам ўқувчиларимиз катта ютуқларни қўлга киритишди. Туманимиздаги 35-мактаб ўқувчиси Зулхумор Ашурова "Зулфия" мукофоти совриндори бўлган. Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин туманда муаммолар йўқ экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Қолаверса, фарзандларимизга таълим-тарбия бериш, ҳукумат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш нафақат халқ таълими ходимларининг, барча-барчамизнинг бурчимиздир.

**Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ, мухбиримиз**

# САХИЙ ВА АХИЙ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Ҳалаб шаҳрига яқинлашганларида кўришдики, шаҳар аҳли ҳам дашт сайрига чиқибди. Туяларда кажавада ўтириб сайр қилиб юрганлар ҳам кўп. Фаррухнинг икки кўзи шу кажаваларда бўлиб қолди. Ногаҳон, худди ўша тушидагидек воқеа содир бўлди: шамол кажаванинг пардасини кўтариб юборганда ўша ўзига туши орқали таниш Қуёшдек порлоқ юзни кўрди!

Яна парда ёпилганда, Фаррух ҳушидан кетди. Ўзига келса, даштда ҳеч ким қолмабди. Кечгача шу маҳзунлик давом этди. Кечаси Фаррух ўзини уйқуга солди, бироқ қаники, уйқуси элтса. Ходимлари уни ухлаган билиб, уйқуга кетди. Шунда у секин қоғоз-қалам олиб: "Менинг пешонамга тақдир мусофирликни битган кўринади. Сизлар юртга қайтинглар, насиб бўлса, Ватанда кўришамиз", – деб ёзди-да, ўзи шаҳзода кийимларини ечиб ташлаб, устига бир қора кигизни ёпди-ю, қочиб кетди. Икки-уч кун шу тахлит даштда умр ўтказди, на еди, на ичди. Ходимлари уни излаб, тополмай, тақдирга тан бериб, юрт сари равона бўлди. Охири, очликдан силласи қуриб, секин судралиб шаҳарга кирди, бир бузилган иморат кунжида ётиб қолди.

Ҳалабда бир ўта бадавлат киши яшар эди. Умрининг мазмуни – таниш-нотаниш одамларни уйида меҳмон қилишдан иборат. Ўта сахийлиги учун уни халқ Ахий дер эди. У шаҳар атрофлари, бузуқ-вайрона жойларда ётиб юрган бева-бечораларни уйига олиб келиб, ювинтириб-тарантириб, шоҳона меҳмондорчиликлар қилар, шу тариқа Худонинг бандаларига меҳр-мурувват кўрсатар эди. Шундай мақсад билан айланиб юриб, Фаррухни ҳам топиб олди. У билан гаплашиб, юз-кўзи, одобини кўриб, унинг бир ажиб гавҳардек зот эканини англади, отга миндириб, уйига олиб келди. Зиёфат қилди. Аммо меҳмон унга тақдим этилган чиройли кийимларни киймади, эгнидан қора палосини ташламади. Чунки ўша даврларда бу ғам-андуҳ рамзи эди. Фаррух кундузлари очилмас, кечалари меҳмонхонада нола чекиб чиқар эди-ю, сирини ҳеч кимга айтмас эди. Охири, мезбон май базми уюштириб, Фаррухга ичириб, уни гапиртирди. Шаҳзода эканини, бир қизни ҳаддан зиёд севиб қолганини, энг муҳими, уни шунчалар мубтало қилган ёр шу шаҳарда яшашини, фалон куни уни даштда, кажавада кўрганини айтди. Ахий билиб олдики, мусофир йигитни ошиқи беқарор айлаган ўша маъшуқа ўзининг жуфти ҳалоли! Ана шунда Ахий:

*Деди фикр айлабон мурувват ила,*
*Топти бу нуктани футувват ила.*

Ундаги мурувват ва футувват ғояси ошиқнинг дардига малҳам бўлишга ундади. Чунки шунинг чорасини топмаса, аҳвол шу даражага етганки, бу йигит ишқ дардидан ўлиб кетиши тайин:

*Қилмасам, ўлса, ул мурувват эмас,*
*Они яхши мурувват аҳли демас.*

Қисқаси, Ахий хотинига вазиятни тушунтириб, уни талоқ қилиб, тўй-томоша билан Фаррухга никоҳлаб берди. Кейин кўп совға-салом, мол-мулк, отулов, хизматкорлар билан келин-куёвни Ҳиндистонга жўнатди.

Фаррух йўлда келинчак олдига кирса, тирноқлари билан юзларини юлиб, қон йиғлаб ўтирибди. Сабабини сўраганида: "Никоҳга қувонайми ё талоққа йиғлайми?" – деб, бўлган воқеани айтди. Шунда Фаррух Ахийнинг мурувватига қойил қолиб, унга жавобан бу ҳам мурувувату футувват қоидасини қилди:

*Гар анга бу қадар мурувват бор,*
*Бизда ҳам шаммаи футувват бор.*

Фаррух Ахийнинг хотинига: "Бугундан эътиборан мен сенга – ака, сен менга – сингилсан", – деди. Ҳиндистонга келиб, вафот этган отаси ўрнига тахтга ўтирди. Бир боғ бунёд эттириб, Ҳалабдаги худди Ахийнинг уйидек қаср қурдириб, уни ва юз канизни шу синглиси ихтиёрига берди.

Лекин ҳам хотинидан, ҳам Фаррухдек дўстидан айрилган Ахийнинг ишлари орқага кетди, экин-тикини ҳам, савдоси ҳам таназзулга юз тутди. Устига-устак, душманлари унинг бошқа мамлакат шаҳзодасига мурувват кўрсатганини Ҳалаб подшоҳига етказиб, қаматтирди ҳам. Охири, қўриқбон, раҳмдиллик қилиб, уни қочирди. Ахий Фаррухдан эсдаликка олиб қолган ўша эски кигизни бошига илиб, Фаррух юрти томон равона бўлди. Сарандибга етиб келиб, бир бузуқ қалъа ичида ётиб қолди.

Фаррух Ҳиндистонда Ахийнинг одатини шиор қилган, гоҳида шаҳар айланиб, етим-есир, бева-бечораларни йиғиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатар эди. Бир куни вайронада ётган бир бечоранинг эгнидаги ўз палосини таниди. Қараса, бу – ўша Ахий! Бир-бирларини таниб, қучоқлашиб, йиғлашдилар.

Ахийни ювинтириб-тарантириб, шоҳона кийимлар кийдириб, базмлар уюштирди. Халққа у кўрсатган мурувватлар таърифини айтганда, аҳли аъён меҳмоннинг оёқларини ўпди. Сўнг хон бир синглиси борлигини, уни Ахийга никоҳлаб беришини эълон қилди:

*Ёд этиб ҳадди йўқ мурувватини,*
*Жонға чекти хати ухувватини.*

Тўйдан сўнг Ахийни Фаррух курдирган қасрга олиб бордилар, у худди ўз уйига киргандек бўлди. Ичкарида эса уни ўз хотини кутаётганидан мутлақ бехабар эди... Аёл бор гапни –

*Шоҳнинг иффату мурувватини,*
*Покравлиғ фанида қувватини*

айтиб берди.

Навоийнинг бу ҳикоятини кино қилса бўлади. Бу ҳикоят амалда қандай ҳимматли халқ эканимизни қайта-қайта ёдга солади. Бу ҳикоят 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинишида қанчалар мустаҳкам миллий замин борлигини қатъий таъкидлагандек бўлади. Бу ҳикоят ҳар қандай мурувват беиз кетмаслигини, унинг мукофоти борлигини, чинакам, беминнат мурувват яна ва яна мурувват уруғини сочажагини эслатади.

Мулоҳаза мулоҳаза туғдиради. "Меҳр ва мурувват йили" ҳар биримиздан жиддий амалий фаолият кутади. Эзгуликка, яратувчиликка, жамиятнинг эҳтиёжини қондиришга ундалган ҳар қандай меҳнат ҳам – амалда бир мурувват. Ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳар қандай меҳнатнинг қадр топиши эса кишини яна ва яна ҳаракат қилишга рағбатлантиради. Меҳнатни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, бу борадаги тизимни янада такомиллаштириш ҳам бу йилнинг бош мақсадлари сирасига киради.

**Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос**



А.ҲАКИМОВ чизган сурат

Муаммо

# ЭКСПЕРТ ХОЛИС БЎЛСИН

*Ёввойи наша таркибида тетрагидроканнабинал бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин...*

Гиёҳвандлик, бу — иллат. Унга ружуъ қўйган киши қандай кўргиликларга дучор бўлиши мумкинлиги ҳақида батафсил гапириш ортиқча, деб ўйлайман. Чунки у шундоқ ҳам кундек равшан. Лекин мен ҳозир адвокат сифатида тўхталадиган жиҳат мутлақо ўзгача.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга, айниқса, кейинги йилларда бот-бот дуч келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, бу умуминсоний муаммога айланиб улгурганини ҳам яширмаслик керак. Шундай экан, гоҳ хизмат юзасидан бевосита, гоҳ ҳамкасбларимиз воситасида гиёҳвандлик жинояти билан боғлиқ бўлган ишларга қатнашишимизга тўғри келяпти. Ва шу аснода бир муаммога дуч келинмоқдаки, у ҳақда гапирмасликнинг, айниқса, бугунги кунда сира ҳам иложи йўқ.

Сир эмас, бизнинг, хусусан, тоғ ва чўл шароитимизда табиий ҳолатдаги ёввойи нашанинг учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Дейлик, макон ва замондан қатъи назар сиздан бир туп ёввойи наша чиқиб қолди ва шу бўйича жиноий иш қўзғатилди. Натижада экспертларнинг ёввойи нашани унинг таркибида тетрагидроканнабинал бор-йўқлигидан қатъи назар, барг ёки шох-шаббасини ҳам қўшиб ҳисоблаб, шунча гиёҳванд модда бор, деб хулоса бериш ҳоллари ҳам учраяпти. Айни шу ерда жуда катта муаммо пайдо бўлмоқдаки, буни экспертлар томонидан аниқламаслик, тўғри ҳал қилмаслик фуқароларнинг гоҳ айбли, гоҳ айбсиз ҳолатлар туфайли жиноий жазо ўташларига сабаб бўлмоқда. Яқинда худди шундай бир ишга қатнашишимизга тўғри келди.

Зомин туманининг Зомин шаҳарчасидаги Ғафур Ғулом номли маҳалласида истиқомат қиладиган II гуруҳ ногирони, нафақахўр Раҳимжон Алимқуловнинг касбикори қассобчилик бўлган ўғли Норқул Алимқулов бир туп ёввойи наша сабабли Жиззах вилоят судининг ЎзР ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмига биноан 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Иккинчи бир киши эса ўн бир йилга "кесилди". Мазкур ишда ҳам табиий ҳолатда ўсган бир туп ёввойи наша "иштирок этгани" учун ҳам уни мисол сифатида келтиришни лозим топдик. Табиий ҳолатда ўсган ўша ёввойи наша (канапля) ўсимлиги деб аталади. Канапля ўсимликларнинг Cannabis деган турига киради. Шу ўсимликнинг қайси қисмини наркотик модда деб олиш кераклиги Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро "Ягона конвенция"нинг 1-моддаси Б-бандида берилган: **"Каннабис" означает верхушки растения каннабис с цветами или плодами (за исключением семян или листьев, если они не сопровождаются верхушками), из которых не было извлечена смола, какими бы названием они не были обозначены".**

Бундан кўринадики, шу ёввойи ўсимликнинг фақат гули ёки мевасигина марихуана (каннабис) деган наркотик модда ҳисобланаркан. Мазкур ишда эса эксперт ўша ўсимликнинг илдизи, пояси, шохлари, барги ва мева ичидаги уруғини ҳам наркотик модда деб олган. Натижада на тергов органи, на суд далилий ашё таркибида аслида қанча наркотик модда, яъни тетрогидроканнабинал (ўша ўсимликнинг меваси ёки гулидагина бўладиган модда) борлигини текшириб ўтирмаган: эксперт хулосасига таянгану қўйган...

Энг қизиғи, мазкур жиноят иши бўйича ашёвий далилни гиёҳванд модда деб хулоса берган эксперт бугунги кунда ҳибсга олинган, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Айни шу эксперт жиноят иши бўйича далилий ашёни ҳатто кўрмасдан ҳам "...кг. героин бор" деб хулоса беравераркан. Башарти 1 кг 250 грамм қуритиб майдаланган ўсимлик сомонидан бир чимдим олиниб, экспертизага берилса, тасодифан ҳалиги текширишга берилган қисми каннабис ўсимлигининг гули ёки меваси (тетрогидроканнабинал сақловчи қисми) бўлиб чиқса, эксперт текшириш хулосасига ашёнинг таркибида 1 кг 250 грамм тетрогидроканнабинал бор, деб ёзаверади. Шу сабабли наркотик модда деб гумон қилинаётган ашё қуритиб майдаланган ўт шаклида бўлса, унинг озгинасини олиб текширган экспертиза хулосаси кўпинча хато бўлади. Шундай экан ундай хулосани тўғри деб айтиш қийин.

Қўпол қилиб айтганда, бир қанор қуритилган каннабис (яъни 50 кг миқдорида) ўсимлиги таркибида наркотик модда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўша қанорда, дейлик, 3 граммгина наркотик модда бўлиши ҳам мумкин-ку! Биз ўшани 50 кг наркотик дейишимиз керак-ми?

Мазкур иш билан боғлиқ ҳужжатларда: **"Н. Алимқуловнинг соф оғирлиги 1 кг 250 грамм бўлган "марихуана"ни сотишдаги айби жиноят ишидаги далиллар билан исботланган"**, деб ёзилган.

Шу хулосани олгандан кейин наркотик моддани тушунадиган бир одамдан: **"Неча тупдан 1 кг "мева" тўпласа бўлади?"** деб сўрадим. У киши ҳар бир тупда ўртача 8 та "мева" бор десак, 100 тупдан ортиқ ёввойи нашанинг меваси, (агар мевалаган бўлса) 1 кг бўлиши мумкин. Баъзан гули тўкилиб мевасиз қолиши ҳам мумкин, деб айтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ҳ. Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази лабораторияси мудири, кимё фанлари номзоди Т. Исломов шундай деб ёзади: **"Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агарда наша ўсимлигидан тайёрланган воситалар таркибида тетрогидроканнабинал топилмаса, уларнинг таркибида каннабинал ва каннабидол борлиги туфайли бундай воситаларни гашиш ёки марихуана туркумига киритиш мумкин эмас".** Н.Алимқулов иши билан боғлиқ бўлган бир туп ёввойи наша ҳақида гап бораётган бўлса, бир тупдаги мевани кўп деб олсак, у ҳолда неча тупдагисини оз ёки озгинадан кўпроқ деб оламиз?! Ахир, наша ўсимлиги ярим туп бўлмайди-ку! Биз адвокатлар амалиётда бундай ҳолатларга бот-бот дуч келмоқдамизки, агар эксперт ва судьяларимиз ишни айни шу жиҳатларига ҳам эътиборлироқ бўлишса, адолатлироқ бўларди.

**Ғиёс НОМОЗОВ, адвокат**

